

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХҰЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 03/30. 04. 2021. Fil. 20. 01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СМАМУТОВА ШИРИН АЗАТБАЕВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИДА ХАЛҚ  
ШЕЪРИЯТИ АНЬАНАСИННИҢ РИВОЖЛАНИШИ  
(Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаев лирикаси мисолида)**

**10.00.12 – «Қорақалпоқ адабиёти»**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бүйіча фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нұкус - 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Смамутова Ширин Азатбаевна**

Мустақиллик даври қорақалпоқ лирикасида халқ шеърияти анъанасининг ривожланиши (Х.Давлатназаров, В.Сейтаев, О.Сатбаев лирикаси мисолида)..... 5

**Смамутова Ширин Азатбаевна**

Развитие народных поэтических традиций в каракалпакской лирике периода независимости (на примере лирики Х.Даuletназарова, Б.Сейтаева, О.Сатбаева) ..... 21

**Smamutova Shirin Azatbaebna**

The development of people's (national) poetry program in independence period of Karakalpak lyrics (On the example of Kh.Dauletnazarov, B.Seytaev, O.Satbaev's lyrics) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХҰЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021. Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СМАМУТОВА ШИРИН АЗАТБАЕВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИДА  
ХАЛҚ ШЕҮРИЯТИ АНЬАНАСИННИҢ РИВОЖЛАНИШИ  
(Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаев лирикаси мисолида)**

**10.00.12 – «Қоракалпок адабиети»**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бүйіч ағылшын тіл және мәдениет шарының доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нұкус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fil929 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Оразымбетов Қуўанышбай Келимбетович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Керуенов Турғанбай Аразметович**  
филология фанлари доктори (DSc), доцент

**Тлеуниязова Гулмира Байниязовна**  
филология фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи муассасаси:**

**Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021. Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-йй. Тел.: (99861) 223-59-25. факс: (+99861) 223-59-25; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-йй. Тел.: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_ даги \_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**М. С. Қудайбергенов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Дж. Н. Сагидуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н. доцент

**Қ. К. Жаримбетов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда фанлараро интеграция жараёнининг тезлашиши, глобал муаммоларнинг қўпайиши, ахборот алмашинуви тизимининг кескинлашиши инсон ҳиссиётларини ифодаловчи лирикага ҳам таъсир қилмоқда. Чунки, ижтимоий ҳаётдаги ислоҳотлар ҳар бир миллатнинг бадиий тафаккурида ҳам акс этади. Бу ҳолат бугунги шеъриятдаги умуминсоний қадриятларга молик бўлган юксак ғояларни ёритиб беришда қадимий адабий мерослардан узоклашмаган ҳолда ўз ифодасини топмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигига, жумладан, бадиий адабиётга даврлар алмашинуви, жамиятнинг модернизацияси шакл ва мазмун ўзгариши каби кўплаб илмий янгиликларни олиб келди. Аммо, адабий мерослар ҳар асрда ўзига хос тус олиб, адабий жараёнда ўз ўрнини эгаллаб қолади. Чунончи, фолклордаги кўчма сюжетлар ва мотивлар, достон, терма ва халқ шеърияти анъаналари – замонавий шеърият ва насрда транформацияга учраб, стилизацияланади ва фолклоризмлар деб тан олинади.

Туркий халқлар адабиётида фолклор анъаналари ҳар қандай даврда самарали қўлланилганлигини қўрамиз. Ҳар бир давр ижодкорлари учун ўз замонининг дарди ва муаммоларини ифода этишда, халқнинг руҳини кўтаришда, маънавиятини юксалтиришда халқ шеърияти анъаналари энг ишончли ва бетакрор адабий-бадиий манба вазифасини бажаради. Бу, биринчидан, инсониятнинг умумий муаммоларини ҳал қилишда бирлашиш зарурлигини билдирса, иккинчидан, ҳар бир миллат адабиётининг миллий, ўзига хос хусусиятлари ва фарқларини акс эттиради. Мустақиллик даври қорақалпоқ шеъриятида фолклоризмлар, халқ шеърияти анъаналарининг мазмунан ва шаклан қўлланилишидаги хусусиятлари тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шу боисдан, ушбу давр шеъриягини X. Давлетназаров, Б. Сейтаев, О. Сатбаевларнинг лирикаси мисолида тадқиқ этиш, структуравий, бадиий-эстетик ва типологик таҳлил қилиш диссертация ишининг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ 3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон, «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистон янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, шунингдек,



И. Сағитов, К. Мамбетов, А. Пахратдинов, С. Баҳадирова, Қ. Байниязов, Қ. Камалов, Қ. Жумажанов, Қ. Алламбергенов, Қ. Жаримбетов, Қ. Оразимбетов, Б. Генжемуратов, П. Нуржанов, М. Жумамуратова, З. Бекбергенова, Қ. Турдибаев, А. Досимбетова, Т. Керүенов, О. Гайлиева, Г. Бегмуратова<sup>4</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотларида адабиётда халқ ижоди анъаналарининг қўлланилиши масалаларининг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилган. Лекин мустакиллик даври қорақалпоқ шеъриятида халқ ижоди намуналарининг қўлланилиши, бугунги шеъриятнинг халқ оғзаки ижоди анъаналари билан уйғунлиги ва поэтикаси ҳалигача қорақалпоқ адабиётшунослигига тадқиқ қилинмади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодиёти ва қорақалпоқ адабиёти тарихи», «Ҳозирги замон филология назарияси ва методикасининг долзарб масалалари» мавзуисидаги илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мустакиллик даври қорақалпоқ лирикасида халқ шеърий анъаналарининг ривожланишини таниқли қароқалпоқ шоирлари Ҳ.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевларнинг шеърлари мисолида тадқиқ этиш ижтимоий-маънавий аҳамиятини белгилаш, бадиийлик маҳоратини аниқлаш ва очиб беришдан иборат.

– Алматы. Қазақ университеті, 2007, – Б. 115; Сыздықова Р. Қазақ әдеби тілінің тарихы. – А. 1993, – Б. 288.

<sup>4</sup>Дэўқараев Н. Революцияга шекемги қарақалпак әдебияты тарийхының очерклери. – Нөкис, 1961; Дэўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. 2-том. – Нөкис, 1977. – Б.128; Сағыйтов И. Сахра бұлбили. – Нөкис, 1974, Қарақалпақ халқының уллы демократ шайыры. – Нөкис, 1977; Нурмухаммедов М. Каракалпакская поэзия. – Ташкент, 1977; Нурмухаммедов М. Түркй тиллес әдебиятларда аўызеки ҳэм жазба традициялардың синтези (бирикпеси) ҳаққында. // Эмиўдәрья. №7. 1981; Мәмбетов К. Әдебият теориясы. – Нөкис, Билим. 1995; Баҳадырова С. Роман ҳәм дәўир. – Нөкис, Қарақалпақстан. 1978. – Б. 129; Пахратдинов А. Халық шайырларында шайыршылықтың келип шығыў тарийхынан. – Нөкис, Қарақалпакстан. 1980. – Б.12; Жумажанов Қ. Халық шайырлары поэзиясында фольклорлық ҳәм даралық дәстүр. – Нөкис, Билим, 1993; Алламбергенов К. Миф, ертек, тарийх ҳәм дәстан. – Нөкис, 2014; Жәримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери ҳәм раўажлалыў тарийхы. – Нөкис, Билим, 2004; Оразымбетов Қ. Ҳәзирги қарақалпақ лирикасында көркемлик излениўшилик. – Нөкис, Билим, 1992; Усы автор. Ҳәзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы ҳәм типологиясы. – Нөкис, Билим, 2005; Orazimbetov Q. Qosıq teoriyası. – Tashkent. 2010; Генжемуратов Б. Ҳәзирги қарақалпақ поэзиясы: монофониялышықтан полифониялышыққа, аламанышылышықтан индивидуаллышыққа. // Эмиўдәрья, 2001, №3; Жумамуратова М. Сөз маржанын дизгенлер. – Нөкис: Қарақалпакстан, 1994; Бекбергенова З. Ҳәзирги қарақалпақ поэзиясында фольклорлық дәстүрлер. – Нөкис. Илим. 2011; Байниязов Қ. Қарақалпақ халық шайырларының творчествосында аўызеки ҳәм жазба әдебий дәстүрлер синтези. Филол. илим. док.... дисс – Нөкис, 2011; Генжемуратов Б. Әжинияз лирикасының поэтикасы. – Нөкис, Билим, 1997; Нуржанов П. Дәўир талабы ҳәм көркем әдебият. – Нөкис, Билим. 1993; Турдыбаев Қ. О.Сәтбаевтың “Гүлдирсин” поэмасындағы лирикалық қаҳарман ҳәм автор позициясы. // ҚМУ хабаршысы. 2008, №1; Dosimbetova A. Adebiyatta korkemlew qurallari. – Nokis. Qaraqalpaqstan. 2017; Керүенов Т. XIX әсир қарақалпақ поэзиясында мифлер менен азызлардың колланылышы. Фил.илим.док. дис. – Нөкис, 2016; Бегмуратова Г.А. Мустакиллик даври қорақалпоқ романларида фольклоризмлар. Фил.фак.буйича фалсафа док. (PhD) дисс.автореф. – Нукус. 2019.

## **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Х. Давлатназаров, Б. Сейтаев, О. Сатбаев шеъриятида ҳалқчиллик ва умуминсоний ғояларнинг акс эттирилишини, ҳалқ оғзаки ижоди бадиий анъаналарини замонавий лирикада қўллаш маҳоратини кўрсатиш;

ҳалқчиллик руҳида ёзилган шеърларнинг миллий бадиий анъаналар билан суғорилиши ва уларнинг бадиийлик даражасини, эмоционал таъсир кучини кўрсатиш;

ушбу шоирларнинг шеъриятидаги ҳалқ шеърияти тиллик хусусиятларини ижодий ўзлаштириш маҳорати аниқлаш;

ушбу шоирлар шеърларининг ҳалқ шеърияти билан бадиий-эстетик шеъриятдаги уйғунлиги масаласини очиб бериш.

## **Тадқиқотнинг объекти сифатида Х.Давлатназаровнинг**

Б. Сейтаевнинг, О. Сатбаевнинг мустақиллик даврида чоп этилган шеърий тўпламлари, даврий нашрларда ёритилган асарлари танланди. Айrim ўринларда типологик аспектдаги қиёслашлар учун бошқа шоирларнинг шеърларига, замондош шоирларнинг ижодидан намуналар олинди.

**Тадқиқотнинг предметини** мустақиллик даври шеъриятдаги ҳалқчил оҳанглар, шеъриятдаги анъаналар, фолклоризмнинг қўлланилиши, услубий жилоланишнинг ривожланиши қўрсатилган шоирлар шеърияти мисолида ўрганиш, бадиий-эстетик вазифаларини истилоҳ қилиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини очиб бериш, структурал ва бадиий-эстетик таҳлил, қиёсий-типологик тадқиқот усуллари асосида амалга оширилди.

## **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

мустақиллик даври қорақалпоқ адабиёти вакиллари Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевлар лирикасида ҳалқ шеърияти анъаналарининг турланиши, стилизацияланиши, фолклоризмларнинг интерпретацияланиши – миллий адабий тафаккур тадрижида поэтик янгиланишлардан эканлиги ва бадиий-эстетик жиҳатдан адабий восита сифатида хизмат қилиши далилланган;

мустақиллик даври шеъриятидаги дидактика, ўткир сатира ва юмор, шунингдек, ватанпарварлик мотивлари, муҳаббат лирикаси ва медитатив қарашлар – ўрта асрлардаги ёзма адабиёт, жировлар шеърияти, ҳалқ шеърияти анъаналари намуналари билан типологик жиҳатдан таққосланиб, ҳақиқатпарварлик,adolatпешалик, курашчанлик каби демократик ғояларни, соғинч, айрилиқ каби интим туйғуларни ифодалашдаги ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

ҳалқнинг маданий тарихида мавжуд ғояларни бугунги давр билан боғлашдаги бадиий изланишлар ҳалқ маданияти ва менталитетининг шоирлар шеърияти тилидаги кумулятивлиги, миллий нозик туйғуни етказишдаги бадиий-эстетик маҳоратлари ва янги давр шеърияти билан ҳамоҳанглиқда уйғунлашганлиги далилланган;

ҳалқ шеърияти анъаналарига таяниб, қорақалпоқ ҳалқининг миллий ўзига хослигини кўрсатадиган рамзий образларни, ҳалқ турмушидаги азалдан эъзозланиб келинган инсоний тушунчаларни (Х.Давлатназаров: тойчоқ,

қўчкор, қўзи, улоқ, арслон, йўлбарс, балиқ в.х.; Б.Сейтаев: қонозат, дулдул, дўйноқ в.х.; О.Сатбаев: ёнтоқ, қамиш, қорабароқ, пурриқ, сувқабақ, арава в.х.) ҳозирги замон билан боғлашдаги шоирларнинг маҳорати, халқ тили дурданаларидан унумли фойдаланиб сўз жилвалантиришлари, янги поэтик ифода ясашдаги индивидуал услуби аниқлаштирилган ва таққослаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

мустақиллик даври шеъриятида халқ шеърияти анъаналарининг ўй-фикр, аниқ далилларни юмшатиб, нозик бадий чизгиларда ифодалаш маҳорати адабиётшуносликдаги янги илмий-назарий нуқтаи назарлар асосида ўз аксини топган;

шоирлар шеъриятидаги фикр билан ҳиссиётни синтезлашдаги халқ шеъриятининг ўрни, халқ шеърияти билан янги давр шеърияти уйғунлашиши услугбий маҳорати, адабий тилни бойитишда тасвирий воситалардан унумли фойдаланганлиги кўрсатиб берилган;

шеъриятдаги ғоявий мазмун, фуқаролик мавқеси – маънавий, одоб-ахлок, эстетик қоидаларнинг барқарорлашишида жиддий аҳамиятга эга эканлиги ўз ифодасини топган;

тадқиқот материаллари асосида XXI аср қорақалпоқ шеърияти янги илмий қарашлар, амалий тажрибалар билан тўлдирилган ва бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадий манбалардан олинганлиги, илмий хulosолар структурал ва бадий-эстетик таҳлил, қиёсий-типологик таҳлил усулларга асосланниги, илмий хulosса ва тавсиялар амалиётда кенг жорий этилганлиги, олинган натижалар мувофиқ ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мустақиллик даври қорақалпоқ шеъриятида онг ва миллий руҳнинг акс этишида халқ шеъриятининг ўрнини аниқлашда, бадий ранг-барангликни очиб беришида асос вазифасини бажариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида ҳозирги қорақалпоқ адабиёти, асосан, мустақиллик даври поэзияси бўйича дарслик, ўкув қўлланма ва рисолалар яратишда, маъруза матнларини янгилашда, ихтисослик фанларидан маҳсус курс ва семинар машғулотлари ўтказишда хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мустақиллик даври қорақалпоқ лирикасида халқ шеърияти анъаналарининг ривожланишини Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевлар ижоди мисолида ўрганиш жараёнда олинган илмий натижалар асосида:

қорақалпоқ лирикасида халқ шеърияти анъаналарининг ривожланиши ва уларнинг бадий тафаккур ривожида тутган ўрнига оид илмий хulosалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф-1-005 рақамли «Қарақалпак фольклортаны ўҳам әдебияттаны ў тарийхын изертлеў» (2017-2020 жж.) мавзусидаги

фундаментал илмий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 16 апрелдаги 78/1-сон маълумотномаси). Мазкур илмий қарашларнинг татбиқ этилиши натижасида мустақиллик даври қорақалпоқ лирикасида халқ шеърияти анъаналарининг ривожланиши ва ўзига хослиги, назарий асослари амалий томондан бойитилган;

халқ шеърияти анъаналарининг бадиий манбалари, муайян адабий ривожланиш босқичларига оид илмий-назарий қарашлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ адабиёти тарихи давлат музейида қорақалпоқ шоирлари ҳаёти ва ижодий фаолияти юзасидан ташкил қилинадиган кўргазмалар намойишида, мавжуд осори-атиқалар ҳақидаги тасаввурларни бойитишда, экспурс дарсларни ўтишда тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 9 апрелдаги 2-03/725-сон маълумотномаси). Шу аснода қорақалпоқ назмида халқ шеърияти анъаналарининг тарихий илдизлари ҳамда адабий ривожланиш босқичларини жорий этиш имконини берган;

Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаев адабий меросларининг миллий ўзига хосликни англатишдаги аҳамияти ва уларнинг фуқаролик мавқеи, миллий ғурур, тил бойлиги, фикр эркинлигининг ёш авлоднинг маънавий дунёсини бойитишдаги роли ва ўрни ҳақидаги илмий ва амалий хулосаларни Қорақалпоғистон телерадиоканали «Эдебий портрет», «Эдебият ҳэм дәўир», «Мийрас», «Ассалаўма алейкум, Қарақалпақстан» кўрсатувлари ва эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси 2021 йил 8 апрелдаги 01-02.197-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ шоирлари асарлари, уларнинг лирикасида халқ шеърияти анъаналарининг маҳсулдорлиги тарғиб қилинишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуман, шундан 2 та республика илмий-амалий анжуманида, 5 та халқаро илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ва мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий мақола эълон қилинган, шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та мақола республика, 2 та мақола хорижий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, асосий уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 147 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Тадқиқотнинг «Кириш» қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, мақсади ва вазифалари, предмети ва обьекти аниқланган.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Қорақалпоқ лирикасида фолклор анъаналарининг манбалари ва шаклланиши, тадқиқи» масаласига бағишиланган. Ушбу боб икки фаслдан иборат. «Қорақалпоқ лирикасида халқ шеърияти анъаналарининг қўлланилиши, адабиётшуносликдаги тадқиқи ҳақида» деб номланган биринчи фаслда қорақалпоқ лирикасида халқ шеърияти анъаналарининг қўлланилиши, тадқиқининг назарийлари ҳақида сўз юритилади. Қорақалпоқ халқининг миллий маданий меросларининг қадимги тарихини бутунжаҳон маданият ва адабиёт тарихи билан бирга олиб тадқиқ қилишнинг тӯғри эканлигини, Сақ, Хун, Қангли, Ўғиз, Қипчоқ даврларига бориб тақалиши, Қорақалпоғистон ҳудудида сақланиб келаётган тарихий обидалар, шуларга боғлиқ яратилган турли оғзаки ривоятлар ҳам қорақалпоқ халқининг маънавий бойлиги бўлиб ҳисобланганлиги алоҳида таъкидланади. Ўрта асрлардан бошлаб дунёга илм-фан, маданиятнинг дастлабки бешикларидан ҳисобланган Хоразм тамаддунининг анъана ва тажрибалари мазкур ўлқадаги яшовчи халқларда узоқ асрлар давом этганлиги, унгача бўлган жиров, бахши, қиссаҳон ва халқ шоирларининг шеърияти, фолклор анъаналарининг бугунги шеърият билан ҳамоҳанглиги таъкидланади. Бу соҳада заҳмат қилган олимлар: Н.Давқораев, Қ.Айимбетов, И.Сагитов, О.Кожуров, Ҳ.Ҳамидов, К.Мамбетов асарларига мурожаат қиласиз. Қорақалпоқ халқ шеърларининг миллий мазмунини мавзуй жиҳатдан тушунтирган олим Нажим Давқораевнинг халқ шеърияти ва халқ шеърлари ҳақида айтган фикрлари халқ шеърияти, лирик шеърларнинг тадқиқ қилинишига биринчилардан бўлиб йўл очганлигини, мазкур анъанани қорақалпоқ адабиётшунослигига ривожлантирган олимлар: И. Сагитов, М. Нурмухаммедов, А. Паҳратдинов, И. Юсупов, Н. Жапақов, А. Каримов, Ҳ. Ҳамидов, К. Мамбетов, А. Пирназаров, Қ. Жаримбетов, Қ. Оразимбетов<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий мақолалари ва монографик асарларига тўхталиб, қорақалпоқ шеърияти масалалари турли нуқтаи назардан атрофлича тадқиқ қилиш обьектига айланганлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилади.

<sup>5</sup> Дэўқараев Н. Революцияга шекемги қарақалпақ әдебияты тарийхының очерклери – Нөккис, Билим. 1961; Сагитов И. Саҳра бўлбили – Нөкис, Билим. 1974; Нурмухаммедов М. Каракалпакская поэзия. – Ташкент, Фан. 1977; Жапақов Н. Ревоюцияга шекемги қарақалпақ әдебиятында реализм мәселелери. – Нөкис, Билим. 1972; Кәrimov A. Жийен жыраўдын өмири ҳәм творчествосы. – Нөкис, Билим. 1963; Ҳамидов Ҳ. Шығыс тиллериндеги жазба дәреклер ҳәм XIX әсирдеги қарақалпақ шайырлары. Әдебий тәсирлер проблемасы. – Нөкис, 1991; Мәмбетов К. Ерте дэўирдеги қарақалпақ әдебияты. – Нөкис, Билим. 1992; Пирназаров А. Қарақалпак әдебияты бойинша гейпара ойлар. – Нөкис, Билим. 1991; Жәримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қасийетлери ҳәм раўажланыў тарийхи. – Нөкис, Билим. 2004; Оразымбетов Қ. Ҳәзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы ҳәм типологиясы. – Нөкис, Билим. 2004.

Қ. Жаримбетовнинг тадқиқотида шеъриятга жанр жиҳатдан назар ташлаб, унга тарихий ва бадиий бутунлик нуқтаи назаридан ёндашади. Оғзаки адабиёт билан ёзма адабиётнинг тур ва мазмун жиҳатдан фарқини, боғлиқлигини номаён қиласиган Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ, Ўтеш каби шоирларнинг шеърлари орқали лирика жанрининг келиб чиқишига назар ташлаб, унинг тарихий далилларини излаганлигига, шунингдек, А. Пахратдиновнинг «Халқ шоирларида шоирчиликнинг келиб чиқиш тарихидан» номли асарида халқ шоирлари хақида атрофлича сўз юритилганлиги, Қ.Жумажановнинг қозоқ ва қорақалпоқ адабиётидаги фолклор анъаналарини, Қорақалпогистонда яшаган қозоқ жирчи, жировлари, айрим шоирлар ижоди, улар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик ва яқинликлари ҳақида батафсил мушоҳада юритилган. Қ. Оразимбетовнинг XX асрнинг кейинги 30 йиллидаги қорақалпоқ шеърияти мисолида бадиий шаклларнинг келиб чиқиши, унга ички ва ташқи таъсирларнинг оқибати, Шарқ ва Ғарб адабиётларига хос шаклларнинг миллийлашиш жараёнлари, шакл ва мазмуннинг бир-бирига таъсири ҳамда бирлиги масалалари бўйича ёзилган илмий тадқиқотлари, М. Жумамуратова, З. Бекбергенова, Қ. Турдибоев, О. Гайлиева, Т. Керуенов, Г. Бегмуратованинг асарларига тўхталиб, уларнинг фикрларини эътироф этади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **«XX аср шеъриятида халқ оғзаки анъаналарини стилизациялаш масаласи»** деб номланади. Бу бўлимда халқ оғзаки ижоди халқнинг рухини, маънавиятини ва ўзлигини белгилайдиган асосий омил эканлиги, халқ оғзаки адабиётининг бебаҳо мерослари нақл ва мақоллар, эртақ, афсона, ривоят, урф-одатларга боғлиқ шеърлар, айтишув каби кичик шакллари орқали ёзма адабиётимизнинг асосий пойдевори яратилганлиги, оғзаки адабиёт асарларини эшитиб, бутун вужудига сингдириб ўсган авлодлардан янги давр адабиётининг ижодкорлари пайдо бўлганлигига эътибор қаратилади ва бу хусусда айтилган илмий ғояларни илгари суради. Истеъдодли ўзбек фолклоршуноси Б.Саримсоқов фолклоризм тушунчаси ва унинг амал қилиш қўлами ҳақида қуйидагича ёзади: «Фолклоризм – фолклор материалининг профессионал ижодкор томонидан, биринчи навбатда, замон талаби, шунингдек, унинг ижодкорлик одати ва усули кабилар билан боғлиқ ижодкор мақсади асосида давомли йўналтирилган, иккинчи марта жонлантирилган кўриниш. Шу жиҳатдан ёзма адабиёт асосида фолклор йўқ, фолклоризмлар мавжуд»<sup>6</sup>.

Професор Б.Саримсоқов фолклоризмни типларга ажратиб берганлиги, қозоқ адабиётшуноси академик С.Қасқабасов, профессор Г.Обаеваларнинг фолклор анъаналари ва фолклоризм ҳақидаги фикрларида умумийлик ва мослиқни аниқлайди<sup>7</sup>.

<sup>6</sup> Саримсоқов Б. Фолклоризмлер типологияси масаласига доир. //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1990 – №4 –Б. 37-45.

<sup>7</sup> Қасқабасов С. Таңдамалы. Мифология. Фольклор. Әдебиет. – Алматы. 2014. –Т. 11–Б. 344; Обаева Г. Әдебиеттану ғылыминың бастауындағы фольклорды игеру мәселесі. <http://conferences.neasmo.org.ua/ru/art/129>. /Проблемы и перспективы развития науки в начале третьего тысячелетия странах. СНГ: XIX Международная научно-практическая интернет-конференция.

Фолклор асарлари тилининг бадиийлиги, воқеалардаги жалб этишнинг яна соддалиги, ундаги кўтаринки рух, ватанпарварлик пафоси, баҳтли якун, фикр эркинлиги XX аср шоир ва ёзувчиларининг асарларида давом этганлиги айтилади. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошидаги қорақалпоқларнинг бой маданий анъаналари, XIX асрдаги жировчилик, баҳшичилик ва қиссаҳонлик XX асрнинг бошида энг юқори даражада авжга чиққанлиги, шуларнинг ичида маълум даражада қиссаҳонлик ривожланди, қиссаҳонлик мактаблари тўғрисида батафсилроқ тўхталиб, фолклор асарлари, адабий меросларимизнинг етиб келишидаги уларнинг аҳамиятли ўрни бўлганлигига эътибор қаратади. «Ҳозирги бизнинг фолклор асарларнинг аксарияти, Жиян жиров, Кунхўжа, Бердақ, Ўтеш каби шоирлар асарларининг 70-80 фойизи шу қиссаҳонлар орқали сақланиб, бизгача етиб келган. Бизга маданий меросларимиз кутубхоналар орқали эмас, шу маданий меросни йиғувчи қиссаҳонлар орқали, уларнинг қўлёзмалари бизнинг қўлимизда нодир манбаа сифатида сақланмоқда. Айниқса, мумтоз шоирларнинг асарлари асл нусхада сақланиб бизнинг давримизга етишида албатта қиссаҳонларнинг роли ниҳоятда катта бўлган»<sup>8</sup>.

Қорақалпоқ шеъриятида фолклоризмларнинг ривожланиши, аналитик, синтезлашган фолклоризм намуналарига тўхталиб, замонавий шеъриятдаги фолклор асарларни стилизацияланиши, фолклоризмнинг ривожланишини Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевларнинг шеърияти мисолида таҳлил қилинди. «Стилизация фолклоризмлар учун насрий асарларга қараганда назмдаги асарларда кенг ва атрофлича поэтик имкониятлар бўлган. Шу нуқтаи назардан, назмдаги асарларда стилизация ходисаси адабиёт мурожаатининг содда ва унумли усули ҳамда ушбу ходисани адабий анъана сифатида тавсия қилиш ҳақидаги илмий фикрлар асосли»<sup>9</sup>.

Х.Давлатназаровнинг «Назлимхон сулув», «Тўмарис», «Ултан қўл», «Гулпарчин», «Ёдгорларга», О.Сатбаевнинг «Гулдирсин», «Ҳаёт араваси», Б.Сейтаевнинг «Қаназатларым» шеърларидағи ҳалқ оғзаки ижодидаги афсона, ривоятларнинг стилизацияланишини, фолклоризмнинг тарихий-этнографик шаклда акс этганлигини кўрамиз.

### **Х. Давлатназаров:**

Өмир, пайын берсин, көгертсин жерин,  
Кеўил қалтаңыздан төғилсин шерин,  
Биз Достан айрылған, Сизлер Экеден,  
Мениң айнанайын Жәдигерлерим!

### **Б. Сейтаев:**

Төте жолда бэйгиге шапқанда бар,  
Майырыўға дым шебер қастан олар,  
Тоқсан аттың ишинен Байшубардың,

<sup>8</sup> Пахратдинов Э. Өтемуратова. X XIX ғасирдин ақыры XX ғасирдин басындағы қарақалпақ әдебияты тарийхы. – Нөқис, Билим.1995. – Б. 23

<sup>9</sup> Бегмуратова Г.А. Мустақиллик даври қарақалпақ романларида фольклоризмлар. Фил.фан.буйича фалсафа док. (PhD) дисс.. автореф.– Нукус, 2019.– Б. 18.

Тұяғына мыйықты қаққан олар<sup>10</sup>.

Шунингдек, шоирлар лирикасидаги халқ шеъриятидаги енгил юмор, үткір сатира ҳақида ҳам таҳлиллар берилади.

Диссертациянинг «Мұстакіллик даври қорақалпоқ лирикасининг халқчиллик рух ва фолклор аңғанаси билан ҳамоғанглиги» деб номланған иккінчи боби, уч фаслни үз ичига олади. Бириңчи фасл «Мұстакіллик даври шеъриятида халқчил – фуқаролик мавқеининг ривожланиши» деб номланған. Мазкур бўлимда фуқаролик шеърияти, фуқаролик мотиви, фуқаролик мавқе тушунчаларига илмий назарий таҳлил қилинди, рус, гарб адабиётининг феноменал даражага етишидаги шоирлардаги фуқаролик мавқенинг юқори эканлигини эътироф этиб, мұстакіллик даври қорақалпоқ шеъриятидаги шоирлар Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевлар шеъриятидаги ички хиссиётларни, катта интилиш иш-харакат, интеллектуал изланишлар, халқчил муҳим масалаларни айта олишдаги маҳорат қирралари очиб берилади. Халқчиллик руҳида ёзилган Х.Давлатназаровнинг «Тубан бўлиб ўтсанг қандай бўлгани?..», «Қул бўлишга ҳаргиз рози бўлманг!..», «Ватан таърифи», «Дунё юзи қорақалпоқларига», «Қорақалпогистон»; Б.Сейтаевнинг «Мен агарда айтмасам ҳақни», «Чақириқ», «Термит»; О.Сатбаевнинг «Ёрилиш», «Мен овулдан бўзлаб қайтаман», «Тоғдаги муз қўшиғи», «Шлагбаумлар» шеърларида воқеаларга ачиниш, изза бўлиш билан бирга қарама-қарши қўйиш, жигарбанд тарзида ёки турфа таҳлил қилиш усулини қўлланилганлиги шоирларимизнинг юқори даражадаги маҳорати, бадиий усулнинг қўлланилиши бадиий асарлар орқали жамиятда юз бераётган воқеаларга муносабатини билдириш билан бирга, ёт иллатлардан воқиф бўлиш йўлларни кўрсатиш тахилга тортилган. Шоирларнинг шиҷоатлилиги, бугуннинг муҳим масалаларини бадиий-эстетик талабларга йўналтира билишдаги маҳорати кўрсатилади ва миллий устувор мақсадларга хизмат қилиши орқали концепциясининг кенглигини, фуқаролик мавқеининг юксаклигидан далолат беришини таҳлил қилиб беради.

Иккінчи бобнинг иккінчи фасли «Шоирларнинг муҳабbat мавзусини куйлашда халқ шеърияти аңғаналарининг қўлланилиши ва маҳорати» деб номланиб, тадқиқотимиздаги Халилла Давлатназаров, Оразбой Сатбаев, Бозорбой Сейтаевлар мұстакіллик даврига келиб муҳабbat мавзусини тараннум этишда шарқ шеъриятидаги «Минг бир кечा», «Тўтинома», «Калила ва Димна» каби адабий меросларнинг элементларидан самарали қўлланилиши, икки ошиқ ўртасидаги ишқий муносабатларни беришдаги халқ шеърияти аңғаналарига мойиллиги, китобхоннинг эстетик, ахлоқий саводхонлиги ривожланиши, ҳаққоний гўзаллик билан безанди гўзалликнинг фарқини ажратадиган савияси юқори китобхон тарбиялашдаги роли, бой фолклор меросимиздан, халқ шоирларидан қўпроқ ўрганилиши таҳлилга тортилди. Ҳофиз Шерозий «гўзалнинг қўш холи» учун

<sup>10</sup> Сейтаев Б. Алма гүллеген пасыл. – Нөкис, 2008 . – Б. 17.

Самарқанд ва Бухорони инъом этган бўлса, бизнинг шоир Ҳофиздан ҳам сахий эканлиги эътироф этилади. Б.Сейтаев:

– Жаяӯ гезсем қайылман мен,  
Сен деп әлем дөгерегин,  
Қаймағына ләблериңнин,  
Жети ықлымды берер едим<sup>11</sup>.  
*Яёв кезсам розиман, мен,*  
*Сен деб аlam атрофин,*  
*Қаймогига лабларингнинг,*  
*Етти иқлимни берар эдим.*

Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевларнинг муҳаббат мавзусидаги, миллий тасвирилар анъанасининг халқ шеърияти анъаналари билан оҳангдорлиги очиб берилади.

Учинчи фасл «**Фикр билан ҳиссиётни умумлаштириб беришдаги халқ шеърияти билан оҳангдорлиги**» деб номланган. Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевларнинг мустақиллик давридаги шеъриятининг асосий негизи – ҳиссиёт билан фикрни ифодалашдаги маҳорати, ҳиссиётни шеъриятга асосий куч бўлишида ҳар бир шоирнинг бир-биридан – истеъодод жиҳатдан ўзига хослиги, услубий нозиклиги тараннум этилади. Шоирларнинг фикр билан ҳиссиётни ифодалашдаги ўзига хослиги, сўз ўйини ва маҳорати кўзга аниқ ташланади.

#### **О.Сатбаев:**

Қёне, төгилинцлер бойларын жазып,  
Тамылжытып муқамлардан ширели.  
Сазларында сенин даладай жазық,  
Қарекенциң адырлығы күледи<sup>12</sup>.

Х.Давлатназаров, О.Сатбаев, Б.Сейтаевларнинг шеъриятида фикр билан мушоҳада ҳиссиётнинг ичидаги вужудга келади. Суронли сургуналарда халқ руҳининг талофатга учрамасдан, олға интилишига халқ шеъриятининг құдрати, фикр билан ҳиссиётнинг кучи бўлса, мустақиллик даври шеъриятида бу пафос қайтадан жонланди. Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки ўн йилликдаги иқтисодий инқирозда, шоирлар ўз асарларида шу халқ ғоясининг олға томон интилганлиги, мумтоз даражадаги асарлар ёзилиб халққа тақдим қилинганлиги эътироф этилади.

Ишнинг учинчи боби «**Шоирларнинг лирикаси изланишлари**даги халқ шеърияти кўринишлари» деб номланган. Бобнинг биринчи фасли «Шоирлар лирикасининг ички поэтикаси, халқ шеърияти анъаналаридан фойдаланиш маҳорати» деб номланади. Мазкур бўлимда мустабид жамияти давридаги адабиётшунослик билан методологиясининг бирга ривожланиши, А.С.Бушмин, Ю.Барабаш Г.Поспелов, М.Храпченко<sup>13</sup> каби йирик олимларнинг назария билан бирга методологик долзарб

<sup>11</sup> Сейтаев Б. Алма гуллекен пасыл. – Нөкис, 2008.– Б. 115.

<sup>12</sup> Сатбаев О. Шенгел қонъраўлары. – Ташкент, 2013. – Б. 24.

<sup>13</sup> Храпченко М.Б. Художественное творчество, действительность, человек. – М. 1976, – С 35; Барабаш Ю. Вопросы эстетики и поэтики. – М., Современник, 1979.

масалаларни ўринга қўйганлиги, А.Бушминнинг «Адабиёт ҳақида фан» номли монографиясида адабиётнинг методологик масаласини атрофлича сўз этилганлиги, шакл ва мазмун, бадиий санъатдаги поэтика масалалари ҳақидаги назарий фикрлари олға сурилиб, XX асрнинг сўнгги 30 йиллигидаги қорақалпоқ шеъриятидаги бадиий шаклларнинг эволюцияси, унга ички ва ташқи таъсирларнинг оқибати, шарқ ва ғарб адабиётларига хос шаклларнинг миллийлашиш жараёни, шакл ва мазмуннинг бир-бирига таъсири, бирлиги ҳақидаги масалаларни таҳлил қилган Қ.Оразимбетовнинг асарларига таянилади.

Эски туркий алломалар яратган адабий мерослардаги тасвирлаш, қиёслашларнинг Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевлар асарларида доимий қўлланилиши, масалан: халқ шеъриятида ботирларнинг ғайратини, довюраклигини *арслон*, *йўлбарсга*, қизларнинг гўзаллигини *жайрон*, *оху*, *кийик*, *куралай*, *оққушига* қиёслашнинг кўп учраши, Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевнинг шеърларида халқимизнинг кундаликли ҳаёти, турмуши билан боғлик қиёслашлар, *балиқ*, *дарё*, *қаназат* (отнинг зоти), *дўлдил* (чопқир от), *булбул*, *қамишилик*, *яканлик* (зовурда ўсадиган ўсимлик), *бўянлик* (қизилмия ўсимлиги), *оқ поррық* (думбок), *патли ёстиқ* ва бошқа сўзларни бўрттириб бериш маҳорати ҳақида сўз юритилади. Шоир қаламидаги рамзий тимсоллар (Х.Давлатназаров: *Тойчок*, *кўчкор*, *қўзи*, *улоқ*, *арслон*, *йўлбарс* каби; Б.Сейтаев: *қаназат* (отнинг зоти), *дўлдил* (чопқир от), *дойнақ* (от туяғи) каби; О.Сатбаев: *янтоқ*, *калтакесак*, *арава*, *сув қовоқ*, *кетмон*, *чироқ* каби) қўлланилиши, уларни халқ рухияти билан бирга кўйиб тасвирлаш маҳорати атрофлича таҳлил қилиб берилди.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «**Шоирларнинг услубий ўзига хослиги, бадиий сўз қуролини қўллашда халқ шеъриятидан фойдаланиш маҳорати**» деб номланган.

Шоирлар тилидаги ҳар бир сўзнинг тагмаъносида кумулятив хусусият мавжуд, образли сўзларда ҳам халқчил яширин маъноли сўзларнинг қўлланилиши эътиборимизни жалб этади. Яъни қорақалпоқ халқининг миллийлиги, ўтмиши, маданий ва адабий меросларининг мавжудлигидан дарак берадиган халқ тилини тўла инкишоф этганлигини аниқ исботлаган. «Инсоният умрининг яшаган даври, унинг ҳаёт тирикчилиги, кун кечириши, турли анъаналар, яшаш маданияти – барчаси тилда намоён бўлади. Бу тилнинг кумулятив хусусиятига киради. Чунки тил миллатнинг ўзига хос хусусиятларини сақлайди, мазмунини бойитади яъни кодга айналтиради. Шу тилдаги мавжуд код орқали миллат маданиятини танитади ва унинг нуфузини кўрсатади. Ҳар бир халқнинг маданий ўзига хослигини унинг асрлар мобайнида яшаган тилидан кўринади<sup>14</sup>.

Шоирлар халқнинг оғзаки сўзлашув тилидаги культ ибораларни яъни – аллоҳга сифиниш, тавба, сажда маъносида қўлланиладиган диний лексика (*О.Сатбаев: Бандачилик этиб ботмай гуноҳга*, *Чин суйган қул бўлиб қолдинг худога...*), антоним (*Х.Давлатназаров: Оз сонли, кўп дардли бизнинг*

<sup>14</sup> Смагулова Н. Г. Фразеологизмдердің семантикалық категориялары. – А. Қазақ университеті, 2007. – Б.115

*Карекенг (қорақалпоқ демоқчи), Кўкраги кенг, қайсарлиги бор экан), эмоционал-экспрессив сўзлар (Х.Давлатназаров: Тақдир тоглар жигарларимни, Ваҳҳейй, анвар сочлим менинг!...), қиёслаш (Ҳақиқанинг бўйни мисли теракдай, Билаклари қамишидай, бадани дараҳтдек, Денгизини тарк этган гоз ва оқкушидай; Оқ думбоқдай қоматни безаб, Кўринади икки аноринг..., Кўчган элнинг чодиридай, Кулагандай кўнгил саройим!. ва б.), эпитет (гирён кўз, изтиробли кўз, жавдираган кўз, жаллод кўз, хумор кўз, сук кўз, куйдирги кўз, дилгир кўз, юлдуз кўз, жайрон кўз, олма кўз, қорамтири кўз, ўйноқи кўз, кийик кўз), метафора (О.Сатбаев: Кўш чироғи – шамишир, жигари – қайроқ, Юрт дардидা ёнган юраги – байроқ; Х.Давлатназаров: Мен Туркистон эдим, Хоразм эдим, Бахт ўлчашга зор тарози эдим), метонимия қўлланишидаги маҳорати, нақл-мақоллардаги (Б.Сейтаев: Бирингиз-суюнчигим, бирингиз-издошим, Ардоқлаган мурувватли бўлмаган. Ҳар ишида менга мададкор бўлган, Соғ-омон бўлгайсиз қадрданларим...) сўзнинг образлилигини шоирона, поэтик куч билан тараннум этиши, мустақиллик давридаги замон ҳақиқатини, халқ ҳаётини чуқур, атрофлича намоён этиши, халқ шеъриятидаги тилнинг табиий ва оддийлигини жамият ҳаёти, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар билан жипс боғлиқлиқда қўллаш маҳорати атрофлича илмий таҳлил қилиб берилди.*

## ХУЛОСА

Тадқиқот мавзуси асосида олиб борилган изланишлар, хулосалар ва таҳлиллар қўйидагича хулоса чиқаришга имкон беради:

1. Мустақиллик даври шеъриятида салмоқли ва ўзига хос ўрни бор шоирлар Халила Давлатназаров, Бозорбой Сейтаев, Оразбой Сатбаевларнинг ижодидаги муваффақиятлар, уларнинг ғарб ва шарқ адабиётини чуқур ўзлаштириш билан бирга халқ шеърияти анъаналарини самарали қўллашдаги маҳорати, ўзига хослиги ўрганилди. Шоирларнинг европача мушоҳада қилиб, миллийлик бўёғини бузмасдан, аслича ёзиши, бу йўлдаги тилнинг софлигига эришиш, халқнинг ижтимоий ривожланиш жараёнидаги қийинчиликлар билан умуминсоний нуқтаи назарларни ифодалашда, қадимдан урф бўлиб келаётган халқчил, миллий ғояни илгари суриши, бадиий тасвиrlашдаги новаторлиги очиб берилди.

2. Шоирларнинг (Х.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаев) Сак, Хун, Қангли, Ўғыз, Қипчоқлар даври, қадимги, ўрта асрлардаги адабий мерослар, XV-XVIII асрлардаги жиров-бахшилар, XIX-XX асрлардаги халқ шоирлари, қиссаҳонлар асарларига таяниб, улардаги халқчил пафос, фуқаролик мотивларга суюнганлиги аниқлаштирилди.

3. Фолклор асарларини стилизациялаб беришдаги, қорақалпоқ шеъриятида фолклоризмни ривожлантиришдаги изланишлари, шоирларнинг халқ оғзаки асарлари материаллари асосида ёзган Х.Давлатназаровнинг «Назлимхон сулув», «Тўмарис», «Ултан қул», «Гулпарчин», «Садағанг кетайин уламолар», «Ёлғиз калла», О.Сатбаевнинг «Гулдирсин», «Умр араваси» ва Б.Сейтаевнинг «Турон йўлбарси», «Денгиз тўлғанишлари» каби асарлари таҳлилга тортилди.

4. Халқ шеъриятида юмор, сатиранинг кўринишлари Б.Сейтаевнинг «Учирма сўзнинг устаси» шеърлар тўпламидаги «Дошакенг хушёрхонада», «Чимбойгача оғам деб», «Арzon туфли савдоси», «Дошакенгнинг сичқон овлаши», «Фундаментдан бошқасини...»; О.Сатбаевнинг Аскербой Ажиниёзовга аталган шеърлар туркумидаги, «Аскербойнинг ҳовли базми», «Аскербойнинг мажлисга эшакда бориши», «Асекенг (Аскербой ака)нинг туфли ўғирлатиши», «Ароқ завод тўхтаб қолади», «Кийим «тақсимлаш, бўлиш» ва б. X.Давлатназаровнинг ўткир сатирага қурилган «Киссанур», «Ўзи ўтирган шохни кесаётган одамга» ва бошқа шеърларида аниқ берилади. Ўткир сатира, юморга қурилган образларнинг табиийлиги, соддалиги ундаги халқнинг савлати, бўй-басти аниқ тасвирланиши батафсил таҳлил қилинган.

5. Мустақиллик даври шеъриятида халқимизнинг миллий ва маънавий дунёқарашлари, жамиятдаги фаоллиги ва фуқаролик мавқесининг юқорилиги тасвирланган X.Давлатназаровнинг «Тубан бўлиб ўтсанг қандай бўлгани?..», «Қул бўлишга ҳаргиз рози бўлманг!..»; Б.Сейтаевнинг «Ватан», «Мен агарда айтмасам ҳақни», «Чақириқ»; О.Сатбаевнинг «Қорақалпоқсан», «Ота-бобо», «Қорақалпоқ ҳеч қачон кўчмайди» каби шеърлари тадқиқотимиз олдига кўйган мақсад ва вазифалари қамровида ўрганилди. Улар халқимизнинг минглаб йиллар мобайнида шаклланган рухиятини, эстетик нуқтаи назарини, хулқ-авторидаги турли ўзига хос бўёқларни ифодалашдаги усули – инсоннинг маънавий дунёсини кўрсатишдаги шоирларнинг янги ғояси очиб кўрсатилди.

6. Давр ҳақиқати, жамият тузуми, ҳаёт шароитлари, тарихий ва ижтимоий ҳолати ҳақида жиддий ва одил фикр айтишга ҳаракати ундаги аниқ фактларни бадиийлик билан ифодалаб беришда халқ шеъриятидаги унсурлар, деталлардан ўринли фойдаланиши, лирикада қорақалпоқ халқининг ҳаётидаги аниқ жиҳатларини, инсонлар билан воқеаларни биргаликда гавдалантиради. Бу шоир фаоллигидан, бугуннинг муҳим масалаларини бадиий-эстетик талабларга бўйсундира олишдаги маҳорати ҳамда фуқаролик мавқeinинг юксак эканлигини очиб кўрсатилди.

7. X.Давлатназаров, Б.Сейтаев, О.Сатбаевларнинг лирик асарлари мавзу жиҳатдан жуда бой эканлиги эътирофга молик. Ишқ-муҳаббат ва ҳижрон тўлғонишлари, ватанга муҳаббати, миллат тақдири ва келажаги учун кураши, халқнинг ўтмишдаги ютуқ ва камчиликларини, мустақиллик давридаги муваффақиятларни таъкидлаши, табиат ва маънавият масалалари шоирларнинг етакчи йўналиши бўлганлиги исботланди.

8. Мустақиллик даври қорақалпоқ шеъриятининг асосий негизи – ҳиссиёт ва фикрни ифодалашдаги шоирларнинг эстетик қамрови, истеъдодининг ўзига хослиги, услубнинг силлиқлиги, лирикадаги фалсафий теранлик, ўй-ҳиссиётнинг кучлилиги, юқорилиги билан фарқланиши баён қилинган. Ўтган асрларда қувғин-сургунда юрса ҳам халқ рухининг азият чекмасдан, олға интилишига сабаб бўлган халқ шеъриятидаги фикр ва ҳиссиёт кучини мустақиллик даври шеъриятида қайта жонлантириб бера олишдаги бадиий маҳорати ўз тасдигини топди.

9. Мустақиллик даври қорақалпоқ шеъриятида Х.Давлатназаровнинг «Қорақалпоғистонлик эканлигингизни унутманг», «Оғалар, сизларга арзим бор менинг», «Мұхаббат исмли қызы эди оққұш»; Б.Сейтаевнинг «Сен шоирни севасанг, жоним», «Мангу яшар әл фарзанди әл севган», «Сулувнинг суврати»; О.Сатбаевнинг «Юлғун құнғироқлари», «Қорабароқ», «Янтоқ», «Гумгум» ва бошқа шеърлари мисолида сүз санъатининг янги қирраларини очиб, янги сүз намуналарини күрсатди. Халқ тилининг бойликларидан унумли фойдаланиб, янги сүз образларини яратылғанлиги, шоирларимизнинг тилига хос ҳамда ўзига хос тил, адабий бадиий усуллари таҳлили орқали халқ поэзия анъаналарига уйғун бўлган белгилар илмий-назарий жиҳатдан тадқик қилинди.

10. Халқ қиёслашларига таяниб, қорақалпоқнинг миллийлигини күрсатадиган таниш рамзий тимсоллар; жонзотлар, ўсимликлар, предметлар (Х.Давлатназаров: **тойчоқ**, **күчкор**, **күзи**, **улоқ**, **арслон**, **йўлбарс**, **балиқ** каби; Б.Сейтаев: **қаназат (от)**, **дулдул (чопқир от)**, **дўйноқ (от туяғи)** каби; О.Сатбаев: **янтоқ**, **қамиш**, **қарабарақ (ўсимлик тури)**, **порриқ (думбок)**, **сув қавоқ**, **арава** каби), сүз бирикмаларининг ҳозирги замон билан боғлаб таъсирили етказиши, халқ тилининг луғавий бойликларидан унумли фойдаланиб сүз қўллашнинг янги маъно нозикларини инкишоф этди ҳамда сўзга янги образли маъно ташувчи вазифа юкланди.

11. Қадимдан қўлланиб келаётган сўзлашув тилидаги қульт ибораларни, яъни аллоҳга сиғиниш, тавба қилиш, имон келтириш, сажда қилиш маъносида қўлланиладиган диний лексика, антоним, жуфт сўзлар, эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзлар, қиёслаш, эпитет, метафора, метонимия, нақл-мақолларни қўллаб, сўзнинг образлигини бўрттириб, мустақиллик даври ҳақиқатини, халқ ҳаётини чукур, ҳар томонлама кўрсатиб, шоирлар ижодий маҳорати батафсил таҳлил қилинди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019.Fil.20.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**СМАМУТОВА ШИРИН АЗАТБАЕВНА**

**РАЗВИТИЕ НАРОДНЫХ ПОЭТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ В  
КАРАКАЛПАКСКОЙ ЛИРИКЕ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ  
(на примере лирики Х.Даuletназарова, Б.Сейтаева, О.Сатбаева)**

**10.00.12 – «Каракалпакская литература»**

**АВТОРЕФЕРАТ диссертации доктора философии (PhD)  
по ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Нукус - 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.2. PhD/Fil 929.**

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице по адресу ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZioNet» по адресу ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Оразымбетов Қууанышбай Келимбетович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Керуенов Турғанбай Аразметович**  
доктор филологических наук(DSc), доцент

**Тлеуниязова Гулмира Байниязовна**  
доктор философии (PhD) филологических  
наук

**Ведущая организация:**

**Навоийский государственный  
педагогический институт**

Защита диссертации состоится “\_\_\_” 2021 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021. Fil.20.01 при Каракалпакском государственном университете имени Бердаха (Адрес: 230112, город Нукус, улица Ч.Абдирова, дом №1 Тел.: (+99861) 223-59-25; факс: (+99861) 223-59-25; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирована за №\_\_\_\_\_\_). (Адрес: 230112, город Нукус, улица Ч.Абдирова, дом №1). Тел.: (+99861) 223-59-25.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» 2021 года.  
(Протокол реестра за №\_\_\_\_ от \_\_\_\_ 2021 года).

**М. С. Кудайбергенов**  
председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
докт. филол. н., профессор

**Дж. Н. Сагидуллаева**  
ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
канд. филол. н., доцент.

**К. К. Жаримбетов**  
председатель научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
докт. филол. н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы.** Ускорение процесса междисциплинарной интеграции в мире, рост глобальных проблем, обострение системы обмена информацией повлияли и на лирику, выражавшую человеческие эмоции. Потому что, реформы в общественной жизни отражаются и в художественном сознании каждого народа. Данная ситуация находит свое выражение в передаче высоких идей, имеющих общечеловеческие ценности в сегодняшней поэзии, неотходя недалеко от древнего литературного наследия.

Смена эпох, модернизация общества привели к формальным и содержательным научным новациям и изменениям в изучении мировой литературы, в том числе художественной. Однако литературное наследие в каждом столетии приобретает уникальный характер и занимает свое место в литературном процессе. Таким образом, переносные сюжеты и мотивы в фольклоре, дастаны, термы, традиции народной поэзии были преобразованы, стилизованы и охарактеризованы как фольклоризм в современной поэзии и прозе.

Мы видим, что традиции фольклора эффективно использовались в литературе тюркских народов во все времена. Для творцов каждой эпохи традиции народной поэзии служат самым надежным и уникальным литературно-художественным источником в выражении боли и проблем своего времени, поднятии морального духа людей и обогащения их духовности. Это отражает, во-первых, необходимость объединения разных народов в решении общих проблем человечества, а во-вторых, национальные, уникальные особенности и различия в литературе каждого народа. В каракалпакской поэзии периода независимости фольклоризмы, особенности содержания и формы применения традиций народной поэзии изучены не полностью. Поэтому, актуальность диссертации определяется исследованием вышеперечисленных вопросов на примере лирики известных представителей каракалпакской поэзии Х. Даулетназарова, Б. Сайтаева, О. Сатбаева, анализ которых носит структурный, художественный, эстетический и типологический характер.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, предусмотренных рядом нормативно-правовых актов таких, как Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года, № УП-5763 «О мерах по реформированию управления в сфере высшего и среднего специального образования» от 11 июля 2019 года, № УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, № УП-6108 «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития





определить умение творческого владения языковыми особенностями народной поэзии в поэзии этих поэтов;

исследовать вопрос о гармонии стихов этих поэтов с народной поэзией в художественно-эстетической поэзии.

**Объектом исследования** явился сборник стихов Х. Даулетназарова, Б. Сейтаева, О.Сатбаева, изданный в период независимости, опубликованный в периодических изданиях. Кое-где для типологических сравнений брались образцы из стихов других поэтов, из произведений современных поэтов.

**Предмет исследования.** Период независимости исследован на примере народной поэзии в поэзии, традиций в поэзии, использования фольклора, развития стилистической изысканности, художественно-эстетических функций поэтов.

**Методы исследования.** Раскрытие темы исследования осуществлялось на основе структурного и художественно-эстетического анализа, сравнительно-типологических методов исследования.

